

ЎҚИЛМАГАН САҲИФАЛАР

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси “Кўлёмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар” фондида сақланаётган ягона нусхадаги “Озиқ ишлари” газетаси 1918 йил 15 майдан 1919 йил 29 апрелга қадар ҳафтада бир марта чоп этилган, жами 37 та сони чиққан. Дастлабки икки сони 2 саҳифадан, ундан кейинги сонлари 4 ва айримлари ундан кўпроқ саҳифадан иборат. Газета “Эски Тошкент Озиқ кўмитаси”нинг нашри бўлиб, унда асосан Тошкентда 20-аср бошларида юз берган озиқ-овқат тақчиллиги масалалари, кўмита қарор ва буйруқлари ҳамда бошқа хабарлар босилган.

Масалан, газетанинг 1918 йил 30 май 3-сонидаги “Картчка иши” номли хабарда кунлик озиқ карточкаси бўйича 5 июндан “нон карточкаси” аҳолига тарқатилиши билдирилган. Хабарлардан ташқари турли эълонларга ҳам жой ажратилган. Жумладан, газетанинг 1918 йил 9 июлдаги 8-сонидан охириги 37-сонигача аҳолига тарқатилган озиқ карточкаларини йўқотганлар рўйхати эълон қилиб борилган. Ушбу рўйхатда карточка эгаси, дўкон рақами, хонадондаги кишилар сони ҳамда қандай озиқ тури ёзилган карточка йўқолгани ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Ушбу эълонлар, айниқса, Тошкентда қадимдан яшаб келган оилаларнинг авлод-аждодлари ҳақида тайёр маълумот, дейиш мумкин.

Шунингдек, газетанинг 1919 йил 14 апрел душанба кундаги 30-сон 3-саҳифасидаги “Хўжалик шўъбасига мудир тайин бўлув” сарлавҳали хабарида: “Эски Тошкент Озиқ шўъбамизнинг Хўжалик ишлари Кўмита барпо бўлгандан бери бетартиб эди. Шул сабабли ишларни тартибга солув ҳамда бир одамнинг доимий суратда бўлуви лозим топилиб, Коллегиямизнинг морт ойининг охирида бўлган бир мажлисда мудирликга газетамизнинг биринчидан тўққизинчи рақамига (яъни 1918 йилдаги сонлари — Х. Н.) қадар муҳаррирлик қилгон ва шўъбамизнинг фаол хидматчиларидан Абдул-

лоҳ афанди Қодирий тайин қилингон. Муҳтарам Абдуллоҳ афандига ишларида муваффақият таманно қиламиз”, деган маълумот ўрин олган.

Ушбу маълумот “Миллий энциклопедия”даги маълумот билан таққосланганда орадаги фарқ кўриниб қолади. Унда “...Абдулла Қодирий 1918 йилда Эски шаҳар Озиқ кўмитасининг саркотиби, 1919 йилдан “Озиқ ишлари” газетасининг муҳаррири бўлиб ишлаган”, дейилади (“Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”, 1-жилд, 2000 йил, 22—25-бетлар). “Озиқ ишлари” газетасидаги хабарига кўра эса, А.Қодирий 1918 йил 15 майдан 8 октябрга қадар газета муҳаррири, 1919 йил март ойидан эса Эски Тошкент Озиқ шўъбасининг хўжалик ишлари мудирлигига тайинланган.

Мозийдан зиё

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ушбу газета нусхаси тарихчилар, адабиётшунослар учун муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга мазкур манба ўша даврдаги Тошкент аҳолиси, уларнинг исм-шарифлари, хонадонлар сони, дўконлар ҳақидаги маълумотлар, айрим касб-кор номларини жамлагани билан ҳам манбашунослик жиҳатидан алоҳида эътиборга молик.

Атоқли адиб Абдулла Қодирий ҳақидаги маълумотлар эса илмий жамоатчилик, адабиётимиз мухлислари учун янгиликдир. Бу маълумотлар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг “Кўлёмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар” хизмати фондида сақланаётган манбалар уммонидан бир қатрадир. Бундай ўқилмаган манбалар кутубхонамиз фондида беҳисоб ва олдимизда қилинадиган ишлар жуда кўп.

Ҳабибулло НУРУТДИНОВ,
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси “Кўлёмалар, нодир ва алоҳида
қимматга эга нашрлар” хизмати бош
мутахассиси